



Нажосатни поклаш мумкин бўлган нарсалар



«Нажосатларни сув хамда нажосатни кетказиш мумкин бўлган сирка, атиргул суви (гулоб) каби сикилганда суви чикади-ган пок, окувчи хар бир суюклик билан поклаш жоиз бўлади». Бу хукм Ином Абу Ханифа ва Ином Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздидадир.

Ином Мухаммад, Ином Зуфар ва Ином Шофеъий раҳимаҳумуллоҳ наздидади нажосатларни факат сув билан поклаш мумкин бўлади. Чунки покловчи восита нажосат теккан нарсага йўликиши билан унинг ўзи хам нажосат бўлиб колади ва нажосат теккан нарса покликни ифода килмайди. Лекин бу киёс зарурат туфайли сув борасида тарк этилган.

Икки шайхнинг далили шуки, албатта, суюк ва окувчи нарса (нажосатнинг жузларини) сугурувчи хисобланади. Покловчилик сифати эса нажосат жузларини сугуриш ва кетказиш иллати билан бўлади. Покловчи воситанинг (нажосат теккан нарсага йўликкан вактда) ўзи хам нажосат бўлиб колиши унга йўликкани сабабидан бўлади. (Уч марта сув куйиб ювиш натижасида) нажосатнинг жузлари тугагач, нажосат теккан нарса пок холида колади.

Китобда зикр килинган хукм либос ва бадан ўртасини ажратмайди. Мазкур хукм Ином Абу Ханифа раҳимаҳуллоҳ хамда иккита ривоятнинг бирида Ином Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг кавли хисобланади. Ином Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳдан накл килинган иккинчи ривоятда, у киши либос ва бадан ўртасини ажратган. Шунда баданни сувдан

бошка нарса билан поклаш жоиз бўлмайди.

Шарх: Уламолар ўртасида нажосатни кетказадиган нарсалар борасида ихтилоф мавжуд. Имом Абу Ханифа ва Имом Абу Юсуф раҳимахумуллоҳ наздида сув хамда суюк ва пок бўлган хар кандай нарса билан нажосатни кетказиш жоиз бўлади. Масалан: сирка ва гулоб каби сикканда суви чикадиган нарсалар.

Шунга кўра, гўшти ейиладиган жониворларнинг пешоби хамда ўсимлик ва хайвонлардан олинадиган ёг билан нажосатларни кетказиб бўлмайди. Чунки гўшти ейиладиган хайвонларнинг пешоби ўзи нажосат, яъни пок эмас. Ёглар эса ўзи пок бўлгани билан, сикканда сикилмайдиган суюклик хисобланади. Яъни улар кийимга тегса, унга шимилиб кетади. Сикканда окиб тушмайди. Демак, бундай нарсаларда нажосатларни кетказиш сифати бўлмагани учун улар билан нажосталарни поклаш жоиз бўлмайди.

Имом Мухаммад, Имом Зуфар, Имом Шофеъий ва бошка аксар фукахолар наздида сувдан бошка окувчи ва пок нарсалар билан нажосатларни поклаш дуруст бўлмайди. Бу борада улар бир нечта далилларни келтирадилар:

Биринчи далил: Покловчи восита нажосат теккан нарсага йўлиkkан вактда унинг ўзи хам нажосатга айланади. Узи нопок бўлган нарса бошка нажосатни поклай олмайди. Шунинг учун киёс такозосига кўра, сув хам, ундан бошка окувчи, пок нарсалар хам нажосатларни кетказувчилик сифатига эга бўлмаслиги керак. Лекин зарурат туфайли сувнинг хакқида бу киёс тарк килинган. Чунки Аллоҳ таоло сувни покловчи килиб яратган. Шу эътибордан покловчилик сифати факат сувнинг ўзида колади. Колган окувчи ва пок нарсалар бу сифатга эга бўлмайди.

Иккинчи далил: Аллоҳ таоло ояти каримада:

«сизни поклаш учун устингизга осмондан сув туширган эди», деб марҳамат килган (Анфол сураси, 11-оят).

Бу оятдан маълум бўладики, сувнинг асл хусусияти поклашdir.

Учинчи далил киёс бўлиб, унга кўра хукмий нажосат, яъни бетахоратлик сувдан бошка нарса билан пок бўлмагани каби, хакикий нажосат хам сувдан бошка нарса билан пок бўлмайди.

Икки шайхнинг далили шуки, окувчи нарса нажосатнинг бўлакларини кўпориб, чиқариб ташловчи бўлади. Сувда окувчилик сифати борлиги учун у нажосатларни кетказувчи хисобланади. Шунингдек, сув маъносидаги бошка окувчи ва суюк нарсаларда хам нажосатларни кўпорувчилик сифати бўлади. Хатто баъзида сув нажосатнинг рангини кетказа олмаслиги мумкин. Лекин сирка нажосатнинг ўзи ва рангини хам кетказа олади. Юкорида Имом Мухаммад раҳимахуллоҳ ва бошка имомлар «покловчи нарса нажосат теккан нарсага йўликиши билан унинг ўзи хам нажосатга айланиб колади», деган киёсни келтирган эдилар. Бу киёсга жавоб шуки, сув нажосат теккан нарсага теккан вактида нажосат бўлиб колишининг сабаби - унга йўлиkkанидир. Лекин нажосат сув билан кайта-кайта ювиладиган бўлса, нажосатнинг жузлари окиб тушиб, тугайди. Натижада нажосат теккан нарса пок бўлади.

Имом Мухаммад раҳимахуллоҳ келтирган биринчи далилга жавоби шуки, зарурат сабабидан сув борасида киёс тарк килинади, зарурат сабабидан сувдан бошка окувчи нарсалар борасида хам киёс тарк килинади.

Имом Мухаммад ояти каримадан келтирган иккинчи далилнинг жавоби шуки, бир нарсани зикр килиш хукм унинг ўзига хосланганини ифода этмайди. Яъни оятда сувнинг покловчи экани зикр килинган. Лекин бу сувдан бошка нарсалар покловчи эмас, деган мазмунни ифода килмайди.

Учинчи далилнинг жавоби шуки, хакикий нажосатни хукмий нажосатга киёслаш тўгри бўлмайди. Чунки бетахоратлик шаръий эътибордан ман килувчи сабабдир. Шунинг учун у шариатда ворид бўлган нарса билан кетказилади. Хакикий нажосат эса хиссий нарса бўлиб, уни маънавий нарса бўлган бетахоратликка киёслаш дуруст бўлмайди.

«Хидоя» сохиби матнда: «Нажосатларни сув хамда нажосатни кетказиш мумкин бўлган сирка, атиргул суви (гулоб) каби сикилганда суви чикадиган пок, окувчи хар бир суюклик билан поклаш жоиз бўлади», деб келтирди. Бу иборадан кийим ва баданни мазкур нарсалар билан поклаш жоиз бўлиши тушунилади. Яъни иккисининг ўртаси ажратилмайди. Бу Имом Абу Ханифа раЖимахуллохнинг сўзидир. Имом Абу Юсуф раЖимахуллоҳдан накл килинган бир ривоят хам шу кавлга мувофик келади. У кишидан накл килинган бошка ривоятда кийим ва баданни поклаш ўртасида фарқ борлиги айтилади. Яъни бадан факат сув билан покланади. Кийимларни эса сув ва бошка пок, окувчи нарсалар билан поклаш мумкин бўлади.

Хикматуллоҳ Абиевнинг
"Хидоя шархи" китобидан